

Шайх Абдулазиз Мансур



Шайх Абдулазиз Мансур 1944 йили Фаргона туманида тугилган. Мактабни тамомлагандан сўнг Олтиарик тумани ва Маргилон шахридаги турли идораларда хизмат килган. 1975–79 йиллари Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом олий маъҳадида тахсил олди. Олий маъҳадни битиргач, «Совет Шарки мусулмонлари» журнали тахририятида масъул котиб бўлди.

1980–81-йиллари Судан Республикаси Ислом университетида тахсилни давом эттирди. 1982–2006 йиллари диний идора Фатво бўлими мудир, Абу Райхон Беруний номидаги Шаркшунослик институтида илмий ходим, «Мовароуннахр» нашриёти мудир, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича кўмитада бўлим бошлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси, Тошкент Ислом университети проректори каби масъул лавозимларда хизмат килди. 2006 йилдан буён Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосаридир.

Шайх Абдулазиз Мансур амалга оширган «Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири» кайта-кайта нашр килинди. Устоз «Сахиhi Бухорий»ни таржима ва шарх килиб, икки жилдда нашр эттирган. Шайх Абдулазиз Мансур Ўзбекистон мусулмонлари идораси хузурида тузилган диний адабиётлар нашри бўйича махсус хайъат раисидир. Халқаро Ислом фикхи академияси, Мусулмон олимлари олий хайъати аъзоси. Кўплаб мақолалар, китоблар муаллифи.